



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 16 (10.321)

2005 ЙИЛ 25 ЯНВАРЬ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

24 январь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни комиссия раиси Б.Мустафоев бошқарди.

Мажлисда, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига 2005 йил 17-20 январь кунлари бўлиб ўтган сайлов натижалари қўриб чиқилди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига сайланган 84 нафар аъзо рўйхатга олинди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида таъкидланганидек, ҳокимият вакиллик органи депутатларининг Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш бўйича қўша мажлислари сайлов қонунчилиги талабларига мувофиқ ўтди. Ўшларин овоз бериш натижасида Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан — Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туман ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органи депутатлари орасидан сайланди.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисида»ги низомга мувофиқ, Сенат аъзолигига номзодлар маҳаллий Кенгашларнинг давлат ва жамият фаолиятида катта амалий тақрибига эга ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли депутатлари орасидан Оқсўқоллар кенгашлари томонидан кўрсатилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 16 нафар аъзоси тайинланди.

Сенат таркибида жамиятнинг деярли барча ижтимоий қатламлари вакиллари бор. Сенаторларнинг қарийб 15 фоизи Ўзбекистон аграр секторининг намояндalари бўлиб, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишда фаол иштирок этаятган танқил фермер ҳўжаликларини раҳбарларидир.

Сайланган сенаторларнинг 20 фoизидан ортиғи — таълим, илм-фан ва маданият тизими вакиллари. Улар, авваламбор, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида кўзда тутилган ёшларни маънавий-маърифий тарбиялаш, иқтисодиётнинг турли тармоқлари ва мамлакат ижтимоий соҳаси учун кадрлар тайёрлаш бўйича асосий вазифаларини рўйбoга чиқаришга хизмат қилувчи таълим муассасалари, яъни коллеж ва лицейлар раҳбарлари ҳисобланади. Сенаторлар орасида йирик олимлар, маданият ва санъат арбоблари бор.

Мамлакатимиз санoати мажмуи вакиллари сенаторларнинг 10 фoизини ташкил этади. Улар асосан энг йирик ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, мамлакатимиз иқтисодий ривожланиши, фуқароларимиз фаровонлигини юксалтириш сўратларини белгилувчи Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор тармоқларини вакилларида бор.

Сенат аъзоларининг 15 фoизи турли соҳаларда фаолият юритувчи, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этувчи, ўз меҳнати, илгор ҳаётий қарашлари билан ҳалқимиз орасида обрў-эътибор қозонган хотин-қизлардир.

Сенаторлар орасида етти миллат вакиллари бўлиб, уларнинг 89 фoизи — ўзбеклар, 11 фoизи — қорақалпоқлар, руслар, туркманлар, қozoқлар, украинлар, қорейслар.

Сенатда ҳудудий вакиллик ва иқро ҳокимияти органиларининг мамлакатимизда обрў қозонган танқил раҳбарлари ҳам бор.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг сайловы Марказий сайлов комиссияси вакиллари иштирокида, очик ва ошкoра ўтгани, қонунчилик бўзлиши билан боғлиқ бирор-бир ҳoлат қайд этилмагани алоҳида таъкидланди.

Марказий сайлов комиссиясининг Сенат аъзоларини рўйхатга олиш тўғрисидаги қарoри, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сенатининг 16 нафар аъзосини тайинлаш тўғрисидаги Фармони матбуотда эълон қилинади.

Мажлисда Марказий сайлов комиссияси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддаси ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50-моддасига мувофиқ қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари этиб тайинлансин:

Орипов Абдулла — Ўзбекистон Республикаси Ёзувчи-лар уюшмасининг раиси

Воҳидов Эркин Воҳидович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раиси

Йўлдошев Беҳзод Содиқович — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президенти, Ядро физикаси институтини директори

Кучерский Николай Иванович — Навоий кон-металлургия комбинати бош директори

Иномова Светлана Турсуновна — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитасининг раиси

Убайдуллаев Ботир Хусанович — «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати раиси

Боқибоев Эркин Жўраевич — Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси раиси

Шарифхўжаев Мурод — Тошкент молия институтини ректори

Усмонов Мираброр Зуфарович — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари

Одилхўжаева Сурайё Маҳкамона — Тошкент юридик институтини «Давлат ва ҳуқуқ тарихи» кафедраси профессори вази фасини бажарувчи

Кучеров Вадим Петрович — «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» акциядорлик жамияти бош директори

Мухиддинова Фарруха Фахриддиновна — Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

Раҳмонкулов Мирақбар Ҳожиакбарович — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Миллий хавфсизлик кенгаши қотибининг биринчи ўринбосари

Худайбергенов Турсинхан Айдарович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси

Ражабова Мавжуда Абдуллаевна — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани жиноий ишлар бўйича судининг раиси

Сафоев Содиқ Солиқович — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ БИРИНЧИ МАЖЛИСЛАРИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларга, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи мажлисларини шу йил 27-28 январь кунлари ўтказиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва Сенатига ташкилий масалаларни, сиёсий партиялар фракцияларини ва депутатлар гуруҳларини рўйхатга олиш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўмиталари ва комиссияларини шакллантириш масалаларини палаталарнинг биринчи мажлислари кун тартибига киритиш таклиф этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов
комиссиясининг Раиси
Б.МУСТАФАЕВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 24 январь

Мамлакатимизда

• Тошкент-Ангрен оралигидаги юз километрдан ортиқ темир йўлнинг Қучлук бекатигача бўлган ўттиз километрнида электрлаштириш ишлари якунланди.

• Мамлакатимизнинг ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Барқамол авлод» спорт ўйинларининг навбатдаги иккинчи босқичи бошланди.

• Тошкент вилояти, Зангиота туманидаги «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида янги қишлоқ врачлик пункти ва тез тиббий ёрдам бўлими иш бошлади. Янги тиббий-масканлари ҳўжаликнинг беш мингга яқин аҳолисига хизмат кўрсатади.

• Бу йил ишга туширилиши мўлжалланаётган Қўнғирот сода заводи мамлакатимиздаги энг йирик санoат корхоналаридан бирига айланади. Қўнғиротдаги санoат касб-хунар коллежида мазкур завод учун малакали кадрлар тайёрлайдиган махсус курс ташкил этилди.

• Янги йилда Алишер Навоий номидаги Наманган вилояти театри қишлоқ меҳнаткашлари учун концертлар ва театрлаштирилган томошалар намойиш этмоқда. Артистлар барча туманларда бўлиб, қўнига икки марта театр томошаларини кўрсатишмоқда.

• Жаҳон чемпионатининг сўнгги саралаш босқичига тайёргарлик

XXI саҳоси

Барча маълумотлардан
олинган сўғги хабарлар

кўраётган мамлакатимиз терма жамоаси Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулотларини муваффақиятли якунлади.



Жаҳонда

• Киевдаги марказий майдонда Украинанинги янги Президенти Виктор Юшенконинг инаугурация маросими бўлиб ўтди. Унда 500 мингга яқин киши қатнашди.

• Россия Федерациясининг Ненец автоном округида губернатор сайловлари бўлиб ўтди.

• Америка Қўшма Штатларининг Шимоли-Шарқида юз берган қор бўронлари катта муаммоларни келтириб чиқарди. Энг совуқ ҳудудларда ҳарорат -38 даражага етди. Аэропортларда қўлаб авиарейслар бекор қилинди.

• Вьетнамда парранда гриппи ҳасталигига чалинган яна икки киши ҳаётдан қўз юмди. Йил бошидан бўён ушбу мамлакатда парранда гриппида гумон қилинган 400 мингга яқин қўшлар йўқ қилинди.

• Дунёда илк бор айланувчи ўй Бразилиянинг Куритиба шаҳрида барпо этилди. Мого қурилиш фирмаси томонидан бунёд этилган 11 қаватли ўйнинг ҳар бир қавати бошқасидан мустақил равишда турли йўналишда айланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг
ҚАРОРИЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ
СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ
ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини сайлови бўйича 2005 йил 17-20 январь кунлари ўтказилган тегишли давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлислари баённомаларига асосан қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари этиб рўйхатга олинсин:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА:

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тутилган йили	Эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури)	Иш ва яшаш жойи
1.	Абдурахимова Фарида Юлдашевна	1950	Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри
2.	Герасимова Светлана Ивановна	1951	Тошкент шаҳридаги 50-сон мактаб директори	Тошкент шаҳри
3.	Рустамбаев Мирзаюсуф Ҳакимович	1953	Тошкент давлат юридик институтининг ректори	Тошкент шаҳри
4.	Тураев Азиз Дамирович	1961	Миробод тумани ҳокими	Тошкент шаҳри
5.	Усманов Раҳмабек Джахангирович	1960	Яккасарой тумани ҳокими	Тошкент шаҳри
6.	Шаабдурахманов Рустам Мавзурович	1962	Тошкент шаҳар ҳокими	Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси
Б.МУСТАФАЕВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 24 январь.

ПОЙТАХТНИНГ
Бир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИССА

● **ЧИЛОНЗОР** туман ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида белгиланган вазифаларни бажаришга бағишлаб ўтказилган ҳисобот йиғилишида фаоллар иштирок этишди.

● **МИРЗО** Улғубек туманидаги Навоий номи маҳаллада фаоллар иштирокида ёшлар маънавиятини юксалтириш чоралари, уларни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашнинг омилларига бағишлаб ўтказилган тадбир «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликларида уюштирилди.

● **ЮНУСОБОД** туман ҳокимлигида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари иштирокида учрашув уюштирилди.

● **МИРЗО** Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг маданият саройида «Ўзбекистон» телеканалининг «Ассалом, Ўзбекистон» тонги дам олиш дастури ижодкорлари иштирокида иккунд учрашув ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ИНТЕРНЕТ

ЖУРНАЛИСТИКАСИНИНГ
ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультетида «On-line журналистикаси ривожланишининг бугунги ўрни» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Мазкур семинар факультетнинг «Интернет журналистикаси» кафедраси томонидан ташкил қилиниб, унда факультет ўқитувчилари, талаба-ёшлари иштирок этдилар.

Семинарни журналистика факультети декани Қ. Эрнazarов очиб берди. Семинар давомида On-line журналистикаси ривожланишининг янги босқичлари, ахборот олиш маданияти, ахборот хавфсизлиги ҳамда ахборотлашган жамият ташкил этилишининг истикболли режалари ва бошқа мавзуларда маърузалар қилиниб, семинар иштирокчиларига бу борада қизиқарли маълумотлар берилди. Семинар жараёнида, шунингдек, On-line журналистикасининг жаҳон тажрибаси, мамлакатимизда интернетнинг ОАВ сифатида шаклланиши ҳамда кундалик наشرларнинг электрон сайтларини очиб ва мавжуд сайтларнинг фаолияти ҳусусида ҳам гапириб ўтилди.

«Интернет журналистикаси» кафедра мудири Дилдора Рашидова маъруза қилар экан, ҳозирда бутун дунёда интернет ҳақидаги тушунарлар доимий равишда янгиланилаётганлигини таъкидлаб ўтди.

— Бу кўп жиҳатдан интернетнинг чегара билмаслиги ҳамда ундан тобора кўп инсонларнинг фойдаланиб келаётганлиги билан боғлиқ — дейди Д. Рашидова. — Агар интернетнинг дастлабки имкониятлари кенг ахборот манбаи, ОАВ тури, ахборот хизматларининг ягона ҳамда ахборот бозори сифатида баҳоланган бўлса, эндиликда унинг замонавий қиёфасида бошқа ОАВ турлари билан қўли рақобат қилувчи ҳамда рақобат майдонида тирик қолишга ҳаракат қилаётган улкан тизим шаклида намоён бўлмоқда.

Шунингдек, маърузада хориж журналистикасидаги ўзига хос тажриба тўғрисида гаплар йиғилганларнинг алоҳида қизиқишига сабаб бўлди.

Семинар сўнгида маърузалар бўйича турли фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, улар қизгин муҳокама қилинди. Айниқса, семинарга тақлиф этилган факультет ўқитувчиларининг семинар ҳақидаги ҳамда кафедралараро ҳамкорлик тўғрисидаги тақлидлари «Интернет журналистикаси» кафедра ўқитувчиларини янги режалар тузишга илҳомлантирди.

Мазкур семинар тор доирада ўтказилган бўлса-да, у қўндан-қўнга ривожланиб, янгилана бораётган «Интернет журналистикаси»нинг келгуси тараққиёти борасида фикрлар алмашишга яхши замин яратди.

Наргиза УМАРОВА,
«Туркистон-пресс»

2005 — Сихат-саломатлик йили

СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Миллий университети қошидаги С.Сирожиiddinov номи академик лицейда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишларни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиш, гиёвандлик ва ичкиликбозликка берилиш, диний ақидапарастлик ёки турли зарарли оқимлардаги гуруҳлар таъсирига тушиб қолиши каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш, соғлом турмуш талаблари асосида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдириш йўлида қатор тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Жумладан ана шундай тадбирлардан бири ОИТС ва ОВИЧга қарши ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда дунёнинг кўпгина мамлакатларида гиёвандлик ва токсикомания муаммоси жуда долзарб бўлиб қолмоқда. Ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама ривожланишини таъминлаш борасидаги ишларда жамиятнинг болалар ва ўсмирларни гиёвандлик ва токсикомания воситаларининг зарарли таъсиридан чегаралашдаги ҳаракатлари катта ўрин эгаллаши лозим.

Гиёвандлик — оқ ажалдир. У фақатгина одам организмни бу руҳиятига шикаст етказиши билан эмас, балки чегарасизлиги билан ҳам хавфлидир. Гиёвандлик аср вабоси ҳисобланиб дунёнинг катта қисмини, айниқса ёшларни ўз домига тортаётган дахшатли иллатдир.

Гиёвандликнинг олдини олишда фаол иштирок этиш учун фақатгина мазкур иллат тўғрисида умумий маълумотларга эга бўлиш камлик қилади. Ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказиш, уларни турли йўналишдаги тадбирларга жалб қилиш самарали натижа беради. Ёшлар ҳаммининг

ҳаваси келиши мумкин бўлган ишлар қўлидан келишини, уларда иштирок этиш учун ҳаётда фаол, соғлом ҳаёт тарзи афзал эканлигини тушуниб ва бу йўлни ўз ихтиёри билан танлай билиши даркор.

ри ва дўстларини бу йўлга кириб қолишдан асраб қолишларига кўмаклашишимиз, ҳеч бўлмаганда бу иллатнинг кўпайиб кетмаслигининг олдини олишимиз зарур» дея таъкидлаб ўтди. Ташкил қилинган учрашув жуда қизиқарли ўтди ва талабалар ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олдилар. Тадбир давомида лицей ўқувчилари томонидан мавзуга оид сахна кўринишлари намойиш этилиб, концерт дастурлари билан санъаткорлар иштирок этдилар. Тадбир ёшларда катта таассурот қолдирди.

Соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ажралмас қисми спорт эканлигини эътиборга олган ҳолда жисмонан бақувват, мустаҳкам иродали, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш мақсадида 3 кун давомида касбхона ва академик лицей ўқувчилари орасида туман миқёсида шахмат мусобақалари ҳам бўлиб ўтди.

Шоира МУҲАМЕДОВА
СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.



Тиббий

КАТТА
ТААССУРОТ
БИЛАН

Тошкент педиатрия тиббиёт институти билан Жанубий Кореянинг Енсей университети ўртасида ҳамкорлик алоқаси кенг йўлга қўйилган. Ўзаро келишувга биноан ҳар иккала олий ўқув юрти ўртасида талабаларни айирбошлашга ҳам киришилди.

Институтнинг ҳамшира факультети битирувчиси Гулноза Ҳамраеванинг Жанубий Кореяга қилган ўқиш сафари ҳам жуда мазмунли бўлди.

Бўлажак ёш шифокорнинг бу сафари олий ўқув юрти илмий кенгаши тавсияси билан амалга оширилди.

Деярли уч ой давом этган ўқув машғулоти жараёнида Гулноза ўз ихтисослиги бўйича бой билим ва амалий кўникма ҳосил қилди.

Енсей университетининг «Ён-Дог» шифохонасида ҳамширалик иши бўйича олиб борилган амалиёт ишлари талабанинг ўз касбига бўлган қизиқишини янада оширди.

Айни вақтда у мамлакатнинг қатор йирик шаҳарларини томоша қилди. Сеул шаҳридаги маданий ҳаёт ҳам унда яхши таассурот қолдирди.

ХАЛҚАРО
ЛОЙИҲА
ДОИРАСИДА

Халқаро ТЕМПУС лойиҳаси доирасида «Соғлиқни сақлаш ва жамоат тиббиётчилиги менежменти» номли магистратура таълими йўлга қўйилди. Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун ўзига хос муҳим янгиллик деб эътироф қилинаётган мазкур ўқув жараёнига Тошкент педиатрия-тиббиёт институти биринчилардан бўлиб киришди.

Ушбу истиқболли курс машғулотида олиб борувчи педагоглар халқаро таълим андозаларига мувофиқ чет эл бой тажрибасини пухта эгалаган бўлишлари лозим бўлади. Шу сабабли олий ўқув юрти ўз вакиллари тизим бўйича магистратура ботида бой тажриба орттирган Германия ва Испания мамлакатларига юборишга қарор қилди.

Германиянинг Оснобрюк тиббиёт институтида амалга оширилган малака ошириш сабоқлари ҳам самарали бўлди. Испаниянинг Барселона илмий муассасасида уюштирилган махсус ўқув машғулоти ҳам институтнинг бир гуруҳ ўқитувчилари билим ва амалий кўникмаларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

АКБАР АЛИЕВ

Қўрғазмалар

МЕНИНГ ВАТАНИМ—
ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари марказий қўрғазмалар залида «Менинг Ватаним—Ўзбекистон» деб номланган умумқўшин ҳарбий хизматчилари ҳамда уларнинг оила аъзолари томонидан ишланган тасвирий санъат намуналари қўрғазмаси очилди.

Қўрғазмада намойиш этилаётган асарлар асосан Қурулли Кучларимизда хизмат қилаётган офицер, сержант, оддий аскар, курсантларга тегишли бўлиб, улар ҳарбий округ ва бўлинмаларда жиддий танлов асосида саралаб олинган. 100 га яқин қўрғазма асарлари орасида оддий аскар О. Ибрагимовнинг «Амир Темури портрети», оддий аскар К. Махмудовнинг «Абу Райҳон Беруний», сержант Р. Собировнинг «Буюк бобоқалонларимизнинг ишони давом эттирайлик», курсант И. Хидировнинг «Амир Темури ҳарбий қўшини» деб номланган рангтасвир жанридаги суратлар тарих билан чамбарчас боғлиқ ҳарбий санъат мазмунини ифодалайди.

Ўзбекистон табиати ўзига хос ва тароватлидир. Буни айниқса, Алишер Эргашев ҳамда капитан Иқбол Илҳомов асарларига қараб яна бир бор пайқашимиз мумкин. Уларни биз ҳеч муволафасиз анъанавий қўрғазма иштирокчилари дея атай оламиз. Ушбу қўрғазмада илк бор қатнашганлар ҳам йўқ эмас. Биринчи бор капитан И. Илҳомовнинг 10 ёшлиқ қизи Шаҳноза Илҳомова, 12 ёшли Элдор Жўраевнинг жами 18 та асарлари намойиш этилаётган бўлиб, айниқса «Алишер Навоий ва Бехзод», «Заҳриддин Муҳаммад Бобур», «Амир Темури» рангтасвирлари диққатга сазовордир. Қўрғазмадан амалий санъат намуналари ўзига хос тарзда ўрин олган. Жумладан, сержант Ҳабибжон Мамажоновнинг асарлари ҳозирда муҳлислар томонидан

юқори баҳоланяпти. Унинг ижодида мансуб бетакрор Риштон керамикаси намунаси, миллий сандиқ, шунингдек, турли хил идишлар экспозициядан ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, қўрғазма Ўзбекистон Қурулли Кучлари орасида истеъдодли қалам соҳиблари борлигини яна бир бор исботлайди. Бешинчи бор ўтказилаётган қўрғазма иштирокчиларининг кўпайганлиги ҳамда намойиш этилаётган асарлар мавзуси кенгайиб бораётгани қувонарли ҳолдир. Бу эса инсоннинг маънавияти ва руҳиятини ривожлантиради, ёшлар онгига Ватанга бўлган самимий муҳаббатни тарбиялайди.

Юлдуз УСМОН

СУРАТЛАРДА: Қўрғазмадан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.

Тўқнақларда

ХОТИН-ҚИЗЛАР
ФАОЛЛИГИ ОШМОҚДА

Бугунги кунда аёлларнинг давлат ва жамият ишларида фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Ўтган йилнинг май ойида Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш бораидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг ушбу Фармон юзасидан чиқарган қарорида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида жойларда кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалда татбиқ этилмоқда.

Айни кунларда шахримизнинг барча туман хотин-қизлар кўмиталарида ўтган йилда қилинган ишлар якунлари бўйича ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Кўни кеча Акмал Икромов туман ҳокимлигида ҳам Фармонда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича қилинган ишлар муҳомамасига бағишланган ҳисобот — йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Азиза Ғиёсованинг 2004 йилда туманда амалга оширилган ҳисобот ишлар бўйича ҳисоботи тингланди. Шундан сўнг «Сиҳат саломатлиги йилининг мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалар» хусусида тумандаги 6-оилавий поликлиника шифокори Раъно Турсунова, «Фан ва таълим соҳасида хотин-қизлар фаоллигини ошириш» мавзусида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг ректори Гулном Бокиева сўзга чиқдилар. Йиғилишда асосий эътибор оила, оналик ва болалик муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини янада ошириш, аёллар турмуш шароитини яхшилаш, қизларни турмушга тайёрлаш, умуминсоний ва миллий қад-

риятлар асосида тарбияланган, маънавияти ва маърифати юксак хотин-қизларни шакллантириш, оилани такомиллаштириш, хотин-қизларни тadbиркорлик ишларига жалб этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш масалаларига қаратилди.

— Келгуси режадаги тadbирларимизни ҳам асосан оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ҳимоясига қаратганмиз. Албатта ҳали олдинда қилинадиган ишларимиз бисёр, қамчиликларимиз ҳам йўқ эмас, — дейди Акмал Икромов туман хотин-қизлар кўмитасининг раиси Азиза Ғиёсова. — Аввало оилаларни мустаҳкамлаш, ажримлар, балоғат ёшига етмай турмуш қуриш, оналар ва болалар ўлимини камайтириш, жиноятчиликнинг, диний ақидапарастликнинг олдини олишга жиддий эътибор беришимиз зарур.

Йиғилишда ўтган йил якунлари бўйича қилинган ишларга танқидий ёндашган ҳолда фикр-мулоҳазалар билдирилди, қизгин муҳокамалар бўлиб ўтди. Анжуман сўнггида тумандаги энг фаол маҳалла хотин-қизлар комиссияси раисларига Юртбошимизнинг «Маънавий юксалиш йўлида» номли китоблари тақдим этилди.

Дилором ИКРОМОВА

Бундан саккиз йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган эди. Бу юртимизнинг ҳар бир фуқароси учун нопок ишлаб чиқарувчи, сотувчи ва хизмат кўрсатувчиларга қарши туришда ўзини-ўзи ҳимоя қилишнинг амалий механизминини яратди. Қолаверса, истеъмолчи тушунчасига бўлган муносабатнинг ўзи ҳам тубдан ўзгарди. Асосан салбий ва киноя маъносига ишлатиладиган бу тушунча аста-секин ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари маъносига тушуниладиган бўлиб бормоқда. Ҳар бир истеъмолчининг ўз ҳуқуқларини библиши ва ҳимоя қила оли-

Ачинарлиси шундаки, нафақат аҳоли, балки тиббий муассасада ишлайдиган айрим врач ва ҳамшираларнинг ҳам билимсизлигида. Жорий йил Юртбошимиз томонидан «Сиҳат саломатлиги йили» деб эълон қилинди. Бунда жуда катта маъно бор албатта. Агар ҳар бир шифохона, поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг турлари яъни пуллик ва пулсизларнинг рўйхати ёзиб қўйилса, аҳоли ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олади. Ўйлаймизки жорий йилда мазкур муаммолар ўз ечимини топади.

Тўғри, ҳозирда шошилинч кечиктириб бўлмайдиган, соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўлинида

БЕПУЛ «ТИББИЙ
ХИЗМАТЛАР» ЭСЛАТМАСИ

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида тиббий хизмат кўрсатиш истеъмолчилар ҳуқуқларига риоя қилиш нуқтани назаридан энг муаммоли соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу шaroитда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясининг бош вазифаси аҳолини тиббиёт соҳасидаги ўз ҳуқуқлари тўғрисидаги билимлар билан қуруллантириш, қолаверса ўзини ҳимоя қилишни ўргатишдан иборат.

ши унинг ҳуқуқий онгини ўзгартиришдаги биринчи қадами ҳисобланади. Бу ҳуқуқларни ҳар бир инсон ҳуқуқшунос кўмагисиз ҳимоя қила олиши шарт. Бу қонун ҳаётимиздаги барча ҳаёлларда, шу жумладан пуллик хизматлар амалга ошириладиган тиббиёт соҳасини ҳам қамраб олмақда. Афсуски, қонун ҳужжатларининг мавжудлиги аҳолига сифатли тиббиёт хизмат кўрсатилишини ўз-ўзидан кафолатлай олмайди. Тиббий хизматлар, айниқса бепул хизматлар олиш йўлида талайгина тўсиқлар мавжуд. Ана шу йўсинда мазкур муаммоларга бироз енгиллик киритиш мақсадида Республика истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси Американинг халқаро агентлиги ЮСАИДнинг қасб дастури молиявий кўмағида «Тиббий хизматлар» номли эслатмани нашрдан чиқарди. Бу эслатмада фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдам соҳасидаги асосий ҳуқуқларини умумлаштиришга ҳаракат қилинган.

Тўғриси айтганда, бугун кўп жойларда аҳоли тиббий хизматларнинг қайси бири пуллик, қайси бири пулсизлигини билмайди.

кўрсатиладиган тиббий хизматлар бепул амалга оширилмоқда. Шунингдек, юқумли касалликларга қарши аҳолини эмлаш, ижтимоий аҳамиятли ва атрофдагиларга ҳавф солувчи сил, анкалогик, психиатрик, наркалогик, эндириналогик каби касалликларга қалинган беморлар ва касб касалликлари бўйича ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам бепул.

15-17 ёшдаги ўсмирлар ва чақирқ ёшдаги шахс (18-27 ёшда) қақирув комиссиялари йўлланмаси билан қўриқдан ўтказиш, тугруққа ёрдам берадиган хизматлар кўрсатиш, давлат даволаш профилактика муассасаларида имтиёзли тоифадаги мижозлар, уруш ногиронлари, фахрийлар, ҳеч қимми йўқ етимларни даволаш бепул бўлиши керак.

«Тиббий хизматлар» номли мазкур эслатмалар кўп поликлиникаларга тарқатилмоқда. Умуман олганда бу эслатма фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб давлатимиз тамонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлардан фойдаланиш жараёнида уларга қўл келади.

Ғаффор НАСРИЕВ,
«Туркестон-пресс»

кор қилиш нияти ҳақида ҳодимни белгиланган муддатларда ёзма равишда огоҳлан-тирилиш шарт (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 101-моддаси). Сизнинг меҳнат ҳуқуқларингиз бузилган бўлса, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишни текширувчи ва назорат қилувчи органлар, шунингдек, меҳнат низолатини қўрувчи органларга мурожаат этишингиз лозим.

Ноила Соҳибова, ишчи
Юнусобод тумани.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўтганлиқ
Домо бўлу...

● Оқилна иш тутиш учун бир-гина ақлнинг ўзи камлик қилади.
● Донишманд — бақолнинг дўжонига ўхшайди, бориин индамайгина кўрсатади — қўяди; нодон эса лашкар ногорасининг ўзи—овози баланду, ичи бўмбўш ва ғариб.

● Оқил билан телба ўртасидаги бутун айирима шундаки, оқил одам доимо фикрлагани фикрлаган, аммо кам гапирди, телба-нодон одам эса доимо гапирди, ҳеч вақт ўйламайди. Оқил одамнинг тили ҳамиша фикрининг измида; телба-нодонда бўлса бунинг акси. Оқил одамнинг тили тафаккурнинг тилмочи, телба-нодоннинг тили эса гап ташувчи ва ғайбатқидир.

● Фақат нодонларгина кулмай яшайдилар.

● Ҳақиқатга асослаган истехзо қалбга наштардек санчилади.

ХИКОЯТ: кўр киши қоронгу кечада қўлида чирок, елкасида кўза-ча билан йўлда кетмоқда эди. Эзма бир одам йўлда унга йўлиқиб, деди:

— Эй нодон, сенинг учун кечакундузнинг фарқи йўқ, ёруғлик билан қоронғилик баб-бараварку, чироқнинг нима фойдаси бор?

Кўр киши қўлиб айтди:

— Бу чирок ўзим учун эмас, сенга ўхшаган кўнгил кўзи кўр бе-хабарлар учундир, токи менга урилиб, кўзачамни синдириб қўйма-гайсан.

● Инсон ҳамма орзусига етолмайди. Шунинг учун ўзига қараганда бечорахўроқ бўлганларни кўриб ўз аҳволига шукр қилиши ақллилик аломатидир.

РИВОЯТ: бир вақтлар бир одам йўлда яёв кетар экан, ўз-ўзига:

— Бу ерда, бу саҳрои биёбонда мендан охижорқ, бечорароқ, паршонан яна ким бор? — деб йиғлади.

У ердан ўтиб кетаётган, устига юк ортилган эшак бу дардманд одамнинг сўзини эшитиб унга:

— Эй ақлсиз одам! Нега ҳолингдан бундай шикоят қиласан? Оллоҳга шукр этиб йўлнинг кетавер. Эшакка минмагансан, аммо мен каби юк остида эмассанку! Ҳолингга шукр қилиб кетавер, — деди.

● Доно билан сўзлашганда кам-гап бўл.

● Яхши гапириш учун етарли ақлга, сукут сақлаш учун етарли мулоҳазага эга бўлмаслик бахт-сизликдир.

● Яхши сўхбатдош бўлишнинг фақат бир усули бор. Бу диққат билан тинглай билишдир.

● Тинглашда биринчи, гапир-ишда эса охиригиси бўл.

● Агар жоҳиллигим намоен бўлмасин десанг, ғўгаларни эъти-бор билан тингла.

ҚИССА. Мавлоно Сайфий Саройи «Ғулистони бит туркий»да ушбу ҳикматни ҳам айтиб ўтганлар. Ҳақимлардан бири айтимиш эканки, ҳеч ким ўзича ўз жоҳиллигига иқроор бўлмайди. Аммо ул одамнинг жоҳиллиги шунда маълум бўлиб қоладики, агар бир киши сўз бошласа унинг сўзи тамом бўлмасдан туриб, ўша жоҳил ўртага тушиб сўзлай бошлайди. Бу эса — жоҳиллик, жahl аломатидир.

Ҳикматдан маълум бўладики, сўхбат чоғида сўзловчининг сўзларига диққат билан, сабр ва тоқатли бўлиб қулоқ солмоқ керак экан. Чунки ҳар кимнинг сўзида ҳам ўрнак олса бўлади-кан фикр бўлиб, ундан фойдаланган мақсадга мувофиқдир.

Байт:
Оқиллар наздида сукут
сақлаш одобдур,
Лек савол ташлаганда
сўз демок ижобатдир.

Голландиянинг Утрехт шаҳрида 34-халқаро "Vacantieberus — 2005" сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. Сайёҳлик соҳасидаги бу муҳим воқеа аънавий тарзда нафақат голландияликларни, балки қўшни давлатлар аҳолисининг ҳам диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Ярмарка ташкилотчиларининг маълумотига кўра, унга 170 мингдан зиёд одам ташриф бўюриб, 100 дан ортиқ мамлакатнинг сайёҳлик фирма ва авиакомпаниялари иштирок этишди.

ЎЗБЕКИСТОН УТРЕХТ
ЯРМАКАСИДА

"Vacantieberus"да Ўзбекистон сайёҳлик тармоғи вакилларининг иштирок этиши ҳам яхши аънавага айланган. Бу йилги ярмаркада мамлакатимиз туризм салохиятини Тошкентнинг "Долорес-тур", Самарқанднинг "Согда-тур", шунингдек "KALES Airline Services" компанияси томонидан "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК-нинг Нидерландиядаги вакили намойиш этишди. Сермазун ва чироили безатилган юртимиз стендида кўпбал туроператор-мутахассислар билан бирга, ўз меҳнат таътиллариин хорижий сафарда ўтказишни режалаштирган голландияликлар ҳам гавжум бўлди.

— Агентлигимиз асосий мақсадларидан бири хорижий компанияларга Европа ва Голландия бозориди рақобатбардошликни

шакллантиришда кўмаклашишдан иборат, — дея таъкидлади Нидерландия иқтисодий ҳамкорлик ва-зирлиги таркибига кирувчи Голландиянинг "СВІ" компанияси бўлим бошлиғи Тим Ван Хаумен "Жаҳон" ахборот агентлиги мух-бирига берган интервьюсида. — Сайёҳлик соҳасидаги дастур "СВІ"нинг устувор дастурларидан бири бўлиб, Ўзбекистон кўп йил-лардан бери унда иштирок этиб келади.

Шунингдек, жаноб Ван Хаумен голландларнинг Ўзбекистонга сайёҳат қилишга бўлган бир ма-ромдаги қизиқиши қўзғатаётгани ва Голландия сайёҳлик бозо-рида бизнинг мамлакатимиз кенг намоиш этилганига ишончи ко-миллигини қайд этди.

Жамшид МУТАЛОВ,
"Жаҳон" АА

этиб беришда ҳар куни эр-талабдан кечгача йиллар

да айниқса улар кийимидаги этнографик жимжимадор,

Рассом ижодхонасида

МОЙБЎЁҚДА АКС
ЭТГАН ДОСТОНЛАР

Ўзбекистон халқ рассоми Муборак Йўлдошев 40 йиллик ижодий фаолиятининг юксак чўққиси сифатида жуда катта халқ хазинаси ҳисобланган шарқ халқларининг минг йил-лик ҳаётини фаолиятида кечган руҳий олами ўзида акс этган Алпомиш ва Гўрўгли достони-га 60 га яқин катта эпик кўри-нишдаги полотнолар яратиб, бу кечисиз чегарасиз оламни яратишга эришди. Рассом-нинг бу борадаги ижодий жа-соратини ҳеч бир ўлчов, бирор бир қолипга тушириб бўлмайди. Чунки ижодкорнинг бу борадаги кашфиёти рассомнинг қалби тубида-ри, кўнгил туйнугидаги қайнаб чиққан туйғулар, ҳасрат ва нидолари, бедор кунлари, уйқусиз тунла-рида кечган олами билан уйғунлашиб кетган.



давомида меҳнат қилишдан чарчамайди.

Рассом Алпомиш, Гўрўгли-лар яшаган давр руҳини очиб бериш, улар фаолият кўрсат-ган фантастик кенгликлар, да-раларни ифода этишда кес-кин, иссиқ ранглар нисбати-дан фойдаланади, фожеали олишувлар, афсонавий қаҳра-монлар яшаган муҳитни кес-кин ранглар нисбатида кўркмасдан мўйқаламини кенг, жўшқин юритиш, кези келган-

тилла, зарҳал ранглар жило-сини ифода этиш учун нозик ранглар нюансини, моддий дунёнинг туб негизгача, асил моҳиятини ифода этиб бориш поғонасига кўтарилади. Ай-ниқса қалмоқ шоху ва Алпо-мишнинг мислсиз олишуви жангини, уларнинг фантастик хатти-ҳаракати, руҳий ва жис-моний кучлар олишувининг поёнига кўтарилган воқеалар-ни алоҳида бир ички эпкин билан тасвирлаб берган.

МОСКВАДА ЮЛДУЗЛАР
ДУЭТИНИНГ КОНЦЕРТИ

Москвадаги Халқаро мусиқа уйида "Рус мусикаси юлдузлари" халқаро фестивали доирасида Россия ва Ўзбекистоннинг машҳур опера хонандалари Елена Об-разцова ва Муассар Раззоқованинг биргаликдаги кон-цертлари муваффақиятли ўтди.

Ўтган йилнинг ёзида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғарма-си кўмағида Тошкентда ўтган уларнинг биргаликда-ги дастлабки концерти опе-ра санъати ихлосмандлари учун чинакам байрам шоҳи-ёнасига айланган эди.

Москвадаги концертда та-ниқли хонандалар билан бирга Алексей Уткин ҳам иш-тирок этди. Бугунги кунда мутахассислар А.Уткиннинг номини В. Спиваков, Ю. Башмет каби мусиқачилар сафига қўйишмоқда. А.Уткин "Эрмитаж" яккахон ижрочи-лар ансамблининг раҳбари. У ўзининг ижрочилик маҳо-рати ва буюк санъаткорлар-га моҳирона жўрвозлиги билан санъат ихлосмандла-ри орасида кенг танилишга сазовор бўлди.

Беназир овоз соҳибаси, ижрочилик маҳорати (бель-

канто)ни мукамал даража-да эгаллаган Ўзбекистон халқ артисти М.Раззоқова нафақат мамлакатимизда балки дунёнинг ўнлаб д-латлари опера сахналарида ҳам кўп мартаба концерт-лар берган.

Мусиқа танқидчилари Раззоқовани дунёнинг энг иқтидорли опера хонанда-ларидан бири сифатида эътироф этишади. Муассар-нинг ноёб истеъдоди ҳақида гапира туриб, Елена Образ-цованинг ўзи, жумладан, шундай дейди: "Бу овозни бутун дунё тингласа арзий-ди!". Ушбу фикрининг тас-диғи ўлароқ, москвалик то-мошабинлар ҳам опера хо-нандалари юлдузди жуфт-лигини тақдор ва тақдор са-нага чорлаб қолдилар.

Музаффар ЗОХИДОВ,
"Жаҳон" АА,
Москва.

Мифология орқали халқ-нинг қалбини, вужудини сез-увчи туб моҳиятини ҳис қилиб ифода этиш Муборак Йўлдошев ижодига хос. Қал-моқни Кентавр қиёфасида тасвирлашининг маъноси ҳам шунда. Кентавр ярим одам, ярим ҳайвон ғайрита-биий куч-қувватга тўлиб тошган, енгилмас. Инсонда-ги ва ғаройиб кучлар кири-шувидан, қаришувидан пай-до бўлган, илоҳий куч-қуд-ратга эга бўлган афсона-вий, ғаройиб мавжудот, ин-сонларга ва махлуқотга хос бўлган туганмас, кучлар ва-жоҳатининг тимсоли. У ўзи-нинг енгилмас, мағлуб бўлмаслигига ишонади. Шунини намойиш қилади. Ле-кин Алпомиш бу ғайритаби-ий сеҳрга тўла кучни енгил-га отланади ва уни мағлуб этади, қалмоқ шохининг шохлари, камонсифат қурол-яроғлари синиб, оти-нинг думи Алпомиш оти боши узра ўралиб жон хола-тида шу мағлубият олдида ўзини турли мақомга солиб, ўралиб, чирмашиб шу хо-латдан чиқиб кетишга ҳара-кат қилаётгандаги драматик фожеасини рассом ечишга интилади. Бу олишув само-да, учиб бораётган деву фаршталар, малоика ва парилар, афсонавий кучлар, аллсифат қарама-қарши шиддат асосидаги жўшқин ҳарорат оқибатида вужудга келган. Бу олишув, бу тўқна-шув само кенглигида ғайри-табиий ҳолатда, фикрлар уммонида, фантастик кўри-нишда содир бўлмоқда.

Бу кучларнинг, яъни реал ва нореал, руҳий ва моддий ҳароратнинг тўқнашувидан элас-элас кўнгил тубидаги ҳиссиётни ифода этиш ор-қали рассом юксак ҳарорат чўққисига чиққан. Биз кел-гусида рассомга бу изла-нишларидан толмаслики тилаймиз.

Абдували
ЭГАМБЕРДИЕВ,
СУРАТДА: рассом
ижодидан намуна.

ЁРДАМГА МИЛЛИОН ДОЛЛАР

First Data Western Union фонди яқиндагина Осиё мамлакатларида юз берган талафотли дунамидан энг кўп зарар кўрган аҳолига ёрдам бериш учун Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятига 1 миллион АҚШ доллари миқдорига пул ажратди. Мазкур мурувват фонд томонидан унинг 2000 йилдан бери олиб бораётган фаолияти давомида ўзига хос энг йирик таъдирдир.

— Биз First Data Western Union фонди қилган хайриядан ва зарар кўрган мамлакатларни тиклаш жараёнида иштирок этишда ўз улushiмизни қўшаётганимиздан фахрланамиз, — дейди Western Union Financial Services президенти Кристина Голд. — Ва албатта, пул ўтказмалари эҳтиёжлари учун тарифларнинг пасайтирилиши, инсонларга қийин дақиқаларда ўз яқинларига ёрдам беришларида, яъни пулни унга ҳақиқатан муҳтож бўлган вақтда жўнатиб, кўмаклашишининг яна бир усулидир.

First Data Western Union фонди ходимлари Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятига хайр қилмоқчи бўлган пулга мутахассис тарзда қўшимча ёрдам пулини ажратишга қарор қилди. Айнан шундай дастурлар шерик-фирмалар, Western Union агентлари учун ҳам амал қилади. Улар ходимлар ва агентларни фонд фаолиятида янада фаол иштирок этишларини рағбатлантиришга қаратилган. First Data ва Western Union хайр қилишдан аввал ў ёки бу хайрия ташкилотининг фаолияти қонунийлигини синчиклаб текширишни тавсия этади.

Булардан ташқари Western Union тизим орқали Индонезия, Малайзия, Мальдив, Шри-Ланка, Таиланд, Хиндистоннинг зарар кўрган ҳудудлари, жумладан Тамил Наду, Андра Прадеш, Керала, Пондичерри ҳамда Андаман ва Никобар оролларида пул жўнатмаларини юборишда тарифларни пасайтирди.

2005 йилнинг 10 январидан 10 февралгача Western Union пул ўтказмаларига доир дунё бўйича исталган хизмат кўрсатиш шохобчасидан қайд этилган ҳудудларга пул жўнатишда ўтказманинг асосий суммасидан қатъи назар, тарифлар етти АҚШ долларигача пасайтирилади. Агарда жўнатувчининг мамлакатидан янада паст тарифлар белгиланган бўлса, айнан шу тарифлар амал қилади.

Western Union пул ўтказмалари хизматидан дунамидан зарар кўрган кўпгина ҳудудларда фойдаланиб келинмоқда.

Маълумки, ҳар йили январь-февраль ойларида Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши хайрия йиғиш ўн кунлигини ўтказиши. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 28 майдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти тўғрисида»ги 458-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда жамиятнинг Сихат-саломатлик йилида тасарруфига олинган якка-ёлғиз кексаларга кўрсатилаётган тиббий-ижтимоий хизматининг моддий асосини кучайтириш ва Фавқулодда вазиятларда аҳолига биринчи ёрдам кўрсатиш заҳирасини яратиш мақсадига Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг 2004 йил 13 декабрдаги 275-сонли мурожаатини инобатга олиб, шунингдек Тошкент шаҳар ҳокимининг 2005 йил 10 январдаги 6-Ф сонли Фармойишига биноан шахримизда шу йилнинг 24 январидан 5 февралгача Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши ҳисобига хайрия йиғиш ўн кунлиги ўтказилмоқда.

ХАЙРИЯ ЎН КУНЛИГИ БОШЛАНДИ

Президентимиз таъкидлаганларидек, савоб ишларни қилиш халқимизга қадимдан одат бўлиб қолган ажойиб хислатдир. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамиятининг асосий мақсади ҳам аҳолининг энг муҳтож табақаларига моддий ва тиббий кўмак кўрсатиш бўлиб, жамиятнинг ташкилотлари ва кўнгилли фаоллари уларга мунтазам равишда ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Жамиятнинг Фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўриш дастурига мувофиқ аҳолини биринчи ёрдам кўрсатиш асосларида, фавқулодда вазиятларда ўзини тутат билиш қоидаларига ўргатиш бўйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, аҳоли ўртасида айниқса ёшлар орасида тиббиёт ва санитария-гигиена билимларини тарғибот қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти Тошкент шаҳар Кенгаши 2004 йил мобайнида 100 дан зиёд ёнғиндан зарар кўрган оила аъзоларига озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечаклар, дори-дармонлар ва бошқа кундалик эҳтиёж буюмлари билан кўмак берди. Жамиятнинг «Меҳр-шафқат» хизмати 505 нафар ёлғиз ногиронлар ва қарияларга, 180 дан ортиқ кўп болали, кам таъминланган оилаларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатмоқда. 2005 Сихат-саломатлик йили муносабати билан жамиятнинг шифокор ва ҳамширалари соғлиқни сақлаш бошқармалари билан ҳамкорликда қарияларни диспансеризация, қилиш, соғломлаштириш ва керакли дори-дармонлар билан таъминлаш ишларини янада ривожлантиришни ўз олдларига мақсад қилиб

қўйганлар. Жамиятнинг кўнгилли фаол аъзоларини асосан ёшлар ташкил қилади. Жамиятнинг келажакдаги асосий мақсади кўнгиллилар сафига ёшларни янада кўпроқ жалб қилган ҳолда кенгайтиришдир.

Қизил Ярим Ой жамиятига кўрсатган саховатингиз, ён атрофингиздаги ёрдамга муҳтож инсонларга озгина бўлса ҳам маънавий ва моддий таянч эканини унутманг ўйлаймизки, шахримиздаги корхона, ташкилот, муассасалар меҳр-саховатларини дариг тутмайдилар. Жамиятнинг ҳисоб рақами: 20212000900126451001, МФО 00407, ИНН 200896573, ХХТУТ 98600. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият банкининг бош амалиёт бўлими, Қизил Ярим Ой жамиятининг Тошкент шаҳар Кенгаши.

“01”

ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН...

Қиш фасли йил бўйи амалга оширилган ишларни сарҳисоб қиладиган мавсум. Шу билан бир қаторда аҳолининг электр жиҳозлари ҳамда газ плиталаридан кўпроқ фойдаланадиган давридир. Оқибатда эҳтиётсизлик юзасидан ёнғин чиқиш хавфи ҳам кўпроқ айнан мана шу даврга тўғри келади. Шу боисдан ҳам ҳар йили Вазирлар Маҳкамасининг 622-фармойишига биноан ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилиб ушбу кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилади. Лекин лоқайдлигимиз, эътиборсизлигимиз туфайлими бундай нохуш ҳодисаларнинг гувоҳи бўлиб қолаверамиз.

Яккасарой тумани Ёнғин хавфсизлиги хизмати нозир, катта лейтенант Даврон Қодиров бу ҳақда шундай дейди.

— Ходимларимиз томонидан қишқировли кунларда кучайтирилган тарзда аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилади. Давлат ташкилотлари, корхоналар, турар жой ва таълим муассасаларида ҳар хил кўргазмалар ва тушунтириш ишлари ўтказилади. Мақсадимиз имкон борича ёнғинларнинг содир этилмаслиги, ҳеч бўлмаса уларни

кескин камайтиришга эришишдир. Ўтган йилнинг 10 ойлик ҳисоботи шуни кўрсатадики, туманда 51 марта ёнғин ҳолати қайд этилиб, бунинг оқибатида бир киши нобуд бўлган, биттаси оғир жароҳат олган. Бу рақамлар 2003 йилга нисбатан ёнғин ҳолати бироз камайтганини кўрсатади.

— Албатта биз ёнғин чиқиши ҳолатларининг камайтанидан хотиржам бўлишимиз керак эмас, балки унинг келиб чиқиш сабабларини бартараф қилишимиз

лозим, — дейди суҳбатда қўшилиб ёнғин хавфсизлиги хизмати нозир, милиция майори Ботир Юнусов. — Ёнғин асосан ёш болаларнинг қаровсиз қолдирилганили, газ плиталаридан, электр жиҳозларидан нотўғри фойдаланиш ва кўпинча сигарет чекувчиларнинг эътиборсизлигидан келиб чиқади. Айниқса фуқароларимиз қўлбола электр иситкичларини ясаб, уни давлат стандартига мувофиқ тўғри келмайдиган ҳолда ишлатишади. Натижа эса салбий оқибатларга олиб келади.

Айтмоқчиманки, оиламизнинг тинчлиги, меҳнат қилиб топган ҳар бир буюмимизнинг яхши кунларимизда ишлатилиши, фарзандларимизнинг ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб қолмаслиги биринчи навбатда ўзимизга, қолаверса озгина эътиборли, зийрак бўлишимизга боғлиқ. Аланга ичида қолган хонадонимиз, мол-мулкимизни сақлаб қолишга ҳаракат қилишдан кўра содир этилиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга ҳар биримиз масъул бўлайлик.

Сарвар СОБИРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҚБАРЛАРИ ҲАМДА ТАДБИРКОРЛАР ДУҚҚАМУТА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг корхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:

133-15-32, 139-05-57, 55-67-42, 55-19-73.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГА

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари
ҳар куни соат 9.00 дан 17.30 гача
қабул қилинади.

Маълумотлар учун телефон: 133-28-95.

Факс: (3712) 133-29-09.

Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй,
2-қават, 204-хона.

Хурматли
Воҳиджон Об-
лоқулов! Сизни 25
январь тавал-
луд кунингиз бил-
ан чин қалбдан
му бора к б о д



этамиз. Ватанимиз осойишталиги
йўлидаги мардона хизматингизга
куч-қувват тилаймиз. Оилангиз
бахтига доимо соғ-омон бўлинг.

Ўзбекистон Республикаси
ИИБ ҳузуридаги «Қўриқлаш»
раҳбарияти ва шахсий тар-
киби батальони.

Футбол

“АРДУС” —
ИККИНЧИ
ЎРИНДА

Наманган шаҳрида мини-футбол бўйича мамлакат IX чемпионати биринчи босқичининг 4-тур ўйинлари нихосига етди.

Кубонарли томони шундаки, тур учрашувларида чемпионатда шахримиз шарафини ҳимоя қилаётган “АрдуС” жамоаси чиройли ва сермахсул ўйинлар кўрсатиб, рақиблирини биринкетин доғда қолдирди.

Албатта турнинг асосий ўйини чемпионат пешқадами “Строитель-Зарафшон” ҳамда пойтахтнинг “АрдуС” жамоалари иштирокида кечди. Кўринишдан рақиблиридан анча ўзиб кетган “Строитель-Зарафшон”га қарши тенгма-тенг бахslashиш жуда мушкул вазифа эди. Бироқ буни ҳамшаҳарларимиз ажойиб тарзда уддалашди.

Учрашув бошларида Абдулла Бўриев чиройли зарба билан ҳисобни очган, “АрдуС”чиларнинг ўйини янада қовушиб кетди. Ҳатто, баҳснинг иккинчи ярмида ҳисоб 6:0га ҳам етди.

Бироқ, ўзини ўнглаб олган зарафшонликлар ҳисобни бирмунча қисқартиришга муваффақ бўлишди. Ҳақмининг ўйин тугагачлиги тўғрисидаги хуштакчи чалинганида беллашувада тошкентликлар 7:3 ҳисобида олдинда эдилар.

Охириги ўйинда “Букинай” жамоасини йирик 10:2 ҳисобида енгган “АрдуС” командаси тур якунига кўра мусобақа жадвалида 52 очко билан иккинчи ўринга чиқиб олди. Ҳамшаҳарларимиз йигирма ўйиннинг ўн еттисини галаби билан якунладилар.

Машҳур пахтакорчи, Осиё чемпиони Азамат Абдураимов (“АрдуС”) эса ўзини мини-футболда синаб кўриб моҳир тўпурарлигини исбот этди. У 44 та тўп киритган ҳолда тўпурарлар баҳсида учинчи ўринда бормоқда.

«ЛОКОМОТИВ»ДА
ЯНГИ МУРАББИЙ

Маълумки, ўтган йили олий лига мусобақаларида илк бор қатнашган шахримизнинг янги жамоаси «Локомотив» чиройли ва сермахсул ўйин кўрсатиб, турнинг жадвалида фахрли олтинчи ўринни эгаллаганди.

Янги мавсумда «Локомотив»нинг мураббийлари ўзгарди. Жамоа ўйинини янада кучайтириш мақсадида бош мураббий сифатида Рустам Мирсодиқов таъин этилди. «Пахтакор»да кўп йиллар фаолият кўрсатиб, жамоа муваффақиятларига ҳисса қўшган тажрибали мураббийлар — Евгений Валицкий ва Яков Капровлар ҳам «Локомотив» мураббийлар «штаби»нинг аъзолари сифатида 2005 йилги мавсумда фаолият кўрсатишади.

Жамоа таркибига турли клублардан Ю.Цой, Х.Хошимов, К.Кузнецов, В.Клишин, Ф.Ахмедов, Б.Қодиқулов, И.Иднн каби футболчилар таъин этилди.

(Ўз мухбиримиз)

Волейбол

«ТЎМАРИС» ЯГОНА ПЕШҚАДАМ

Шаҳримизда аёллар ўртасида волейбол бўйича олий лига жамоалари Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи тур учрашувларини ўтказишди.

Шуни айтиш керакки, мамлакат чемпионати тақвимида киритилган ўзгариш тўғрисида биринчи тур учрашувларини олий лига қатнашчилари икки гуруҳга бўлинган ҳолда ўтказгандилар. Ва бунда шахримизнинг «Тўмарис» жамоаси кутилганидек ўз гуруҳида ягона пешқадам бўлган. Иккинчи гуруҳда эса Бухороининг «Бухорои-Шариф» командасига тенг келадиганлар топилмади.

Иккинчи тур учрашувларида эса барча саккиз жамоа шахримизда ўзаро куч синашди.


Иккинчи турда ҳам барча рақиблирини енгган ҳолда «Тўма-

рис» ягона пешқадамликни сақлаб қолди. Ҳозирча мамлакат терма жамоасининг асосини ташкил этувчи кучли ўйинчилар таркибидан жой олган ушбу клубга тенг келадиган жамоалар топилмаяпти.



Шундай қилиб, ўтказилган ўйинларнинг барчасида галаба қозongan ҳолда 20 очко жағарган тажрибали мураббий Леонид Айрапетянч етакчилигидаги шахримиз жамоаси мамлакат чемпионлигига ягона даъвогардир.

Иккинчи ва учинчи ўйинларни Самарқанднинг «Иқтисодчи» ҳамда Бухороининг



«Бухорои-Шариф» жамоалари банд этиб туришибди.

Кейинги тур ўйинлари ҳам Тошкентда 2-5 февраль кунлари бўлиб ўтади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: иккинчи тур учрашувларидан лавҳалар.

Наталья Семёнова олган суратлар.

Муффа олам

ЕТТИ МЎЪЖИЗА ҲАҚИДА

2000 йилдан ортиқроқ вақт илгари, ўз замонасининг ақлини шоширадиган даражада бўнёд этилган бинолари ва ҳайкаллари ҳақида жуда кўп олимлар манбаларда ёзиб қолдирганлар. Дунёнинг етти мўъжизаси ҳақида ёзилган бир қанча манбалар, қадим-қадимдан то бизнинг давримизгача сақланиб келинмоқда. Агар ўша замоннинг етти мўъжизасини тузган олимлар ҳозирги даврда ҳам мавжуд бўлганларида улар бу рўйхатга нималарни киргизишар эди?

— Ҳозирги даврнинг етти мўъжизаси бизларга, одамзоднинг мисли қўрилмаган ютуқларини тақдир этади. Бу рўйхатга киритилган баъзи қурилмалар, қулайликлар билан бир қаторда бир қанча муаммоларни ҳам келтириб чиқаради. Лекин уларнинг бари ҳақиқий ва чиннакам мўъжиза деб эътироф этилади.

СУВ ОСТИДАГИ
ТЕМИРЎЙЎЛ

Дунёнинг етти мўъжизаларидан бири ҳисобланмиш энг узун сув ости темирўйли Буюк Британияда жойлашган Ла-Манш бўғози остида ўрнатилган бўлиб, Англияни Франция билан туташтириб туради. Ушбу темирўй одамзоднинг таърифига тил оғиз бўлган қурилмалардан биридир. Унинг узунлиги 50 километри ташкил этиб, шундан 38 километри сув остига қурилган. Британияни бошқа давлат билан туташтирувчи мазкур сув ости темирўйли замонавий транспорт тизими сифатида 1994 йил очилган. Аслида темирўйнинг ғояси 1802 йилда вужудга келган. Уни бўнёд этиш комитети эса 1892 йил ташкил этилган. Ўша даврда янги қурилган Ла-Манш бўғози устига қурилган кўприк ҳақида ҳам айтиб ўтишганди. 1985 йилга келиб, Британия ҳамда Франция ҳукумати сув ости темирўйли режасини амалга ошириш ҳақида жиддий бош қотира бошладилар. Бир йилдан сўнг эса улар 9 та энг зўр лойиҳани танлаб олишди.

Аслини олганда дунёда 3 турдаги ер ости йўли мавжуд: икkitаси темирўй ва яна биттаси халқ учун хизмат кўрсатувчи ер ости йўлидир. Ла-Манш бўғози остида ўтган йўлнинг қурилиши Англия дарёси қирғоғидан 1987 йилнинг 7 декабрида, Франция дарёсининг қирғоғидан эса 3 ой кейинроқ бошланган. Бош қисмига айланма кесувчи тишлар ўрнатилган улкан машиналар билан сув ости йўлининг ҳар бир километрини казиш учун бир ойдан кўпроқ вақт сарфланган. Бутун сув

ости йўлини қазиб битказиш эса, 3 йил давом этган. Мазкур йўл, дарё юзасидан 45 метр чуқурликка ўрнатилган бўлиб, ичкига ажралган қисмлари ўртасидаги масофа 100 метрни ташкил этади. Бу икки тарафдан қурилган сув ости темирўйлини бир-бирига туташтириш, ҳеч қандай техник қурилмаларсиз, фақатгина ишчи кучи орқалигина амалга оширилган.

1991 йил 22 май ҳамда 28 июнь кунлари 2 сув ости темирўйлининг қурилиши якуний босқичга етган. Ва нихоят 1994 йилда сув ости темирўйли, Англия қироличаси Елизавета II ва президент Миттеран томонидан очиб берилган.

КЕМАГА
ҚИЁСЛАНГАН ТЕАТР

Мазкур ноёб ва замонавий бўлган қурилма — Австралиядидаги диққатга созovor жойларнинг энг машҳури ҳисобланади. Опера театри Австралиядида қадимий ва йирик шаҳарларидан бирида жойлашган. Унинг уч томони сув билан ўралган бўлиб, томлари кема елканига қиёслаб қурилган.

1950 йиллар бошида Сиднейдаги санъат марказида, янги бинолар лойиҳасининг конкурси бўлиб ўтган. Унда Даниялик архитектор Йорн Утзоннинг лойиҳаси муваффақият қозongan.

Шундан сўнг лойиҳани амалга ошириш ишлари бошлаб юборилди. Пойдевор қуриш ишлари 1959 йилда бошланган бўлиб, уни қуриб битказиш учун 4 йил вақт сарфланган. Ундан сўнг навбат иншоотнинг энг мураккаб қисмига, яъни антика томага келган. Авваллари бундай иморатни қуриш бировнинг

ҳаёлига ҳам келмаган эди.

Иншоотнинг устки қисми, мазкур бинони дунёдаги ҳеч бир иморатга ўхшамаслигида асосий роль ўйнайди. У 2000 дан ортиқ терма бетон секцияларидан иборат бўлиб, уларни пўлат симлардан ишланган арконлар ўрлаб туради. Театрнинг устки қисми сопол плиталар билан қопланган. Плиткалар ялтироқ оқ рангда бўлиб, қуёш нурида жилполанади.

Бино томини яратиш вақтида қурувчилар ўртасида келишмовчиликлар юзгага келиб, дастлабки лойиҳани қайта ишлашга мажбур бўлишган. Фикрлар бир-бирига тўри келмаганлиги сабабли, 1966 йил архитектор Йорн Утзон лойиҳани яратишдан воз кечган. Шундан сўнг ишни тўрт австралиялик архитекторлар давом эттирган. Бир йилдан кейин иншоотнинг томи қуриб битказилган. Ички қисмини қуриб битказиш учун яна 6 йил вақт керак бўлган. Мазкур опера театри расмий равишда 1973 йил октябрь ойида, қиролича Елизавета II томонидан очиб берилган. Бино тўрт асосий сахнадан иборат бўлиб, концерт залига 2600 дан ортиқроқ одам сиғади. Бино томи унинг устидан 67 метр баландликкача кўтарилиши мумкин. Опера зали эса бироз кичикроқ. У ерда 1500 та юмшоқ ўриндиқ мавжуд. Қолган икки сахна драма актёрлари учун мўлжалланган. Опера театри ишга тушгандан сўнг 20 йил давомида 36 миллион киши таъриф буюрган. Ушбу кўрсаткич ҳатто Австралия аҳолисидан ҳам икки баробар кўпроқ.

Гавҳар ШОМАНСУРОВА,
тайёрлади

ТАБАССУМ

Ўқитувчи болалардан:
— Туш кўриш нима? — д. сўради.

— Туш-уйкудаги кино, — деб жавоб берди билагонлик билан бир ўқувчи.

Онаси билан холасиникига меҳмонга борган Эладан:
— Қорнинг очми? — деб сўрашди.

Элада эса онасига қараб:
— Ойиҳон қорним очми? — деди.

— Ўғлинг ким бўлмоқчи?
— Юрак хасталиклари бўйича врач бўлмоқчи.

Бўлмагур гап, ундай бўлса ўғлинг очдан ўлиши мумкин.

— Нима учун?
— Чунки инсонда битта юрак, аммо 32 тиш бор.

— Бугунги кундаги кўп тарқалган хасталиклардан бири, хонада кўп ўтириш, очик ҳавога чиқмаслик. Мен сизга умуман дори-дармон бермайман, чунки сизнинг касаллигингиз ҳам ана шундай хасталик. Яхшии сиз ҳар кун икки соат очик ҳавода сайр қилинг. Бир ойдан сўнг эса менинг олдимга мутлақо бошқа одам бўлиб келасиз.

— Хўп бўлади, — деди бемор ва доктордан сўради.

— Айтингчи жаноб доктор, ишдан олдин сайр қилганим маъқулли ёки кейинми?

— Касбингиз нима? — Сўради доктор.

— Хат ташувчиман, — жавоб берди бемор.

— Менинг маслаҳатларимга риоя қилдингизми? — сўради врач уйқусизликдан азоб чекаётган бемордан.

— Ҳа, албатта, — жавоб берди бемор. — Ҳар кун ийқудан олдин 37 677 гача санаялман.

— Шундан кейин ухлаб қолаётгандирсиз? — сўради врач бемордан. — Йўқ, санаб бўлганимда ўрнимдан туришимга тўғри келаяпти, чунки шунча сонни санаб бўлганимча тонг отиб қолаяптида!



Муассис:
Тошкент шаҳар
ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70;

эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқ, офсет усулида босилади.

2812 нусха босилди. Қопет биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
босқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Напр кўрсаткичи — 563

Нашири етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терибли ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.